

ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ



Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш ҳақи кўрсаткичларини умумлаштириш натижасида, 2020 йил январь-сентябрь ойларида Қашқадарё вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1987,3 минг сўми (иш ҳақиға устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек

унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этди.

Тармоқлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақи (2020 йил 1 октябрь ҳолатига қишлоқ хўжалиғи ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

(дастлабки қайта ҳисобланган)

	Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда
Қашқадарё вилояти бўйича - жами	1987,3
<i>шу жумладан:</i>	
Саноат	3212,9
Қурилиш	2173,8
Савдо	2015,7
Ташиш ва сақлаш	3043,1
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1185,0
Ахборот ва алоқа	2494,4
Молия ва суғурта фаолияти	4892,1
Таълим	1739,5
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1367,9
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	2056,1
Бошқа фаолият турлари	2119,7

Ўртача ойлик иш ҳақининг тармоқлар кесимида, минг сўм
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига)



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят туманлари




бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Муборак туманида 2612,4 минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 131,4 %), Қарши шаҳрида 2534,0 минг сўмни (127,5 %) ва Ғузор туманида 2379,7 минг сўмни (119,7 %) ташкил этган бўлса, Касби туманида 1444,8 минг сўмни (72,7 %) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи ҳудудлар кесимида ¹⁾
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига, минг киши)

	<i>Меҳнат ресурслари сони</i>	<i>Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи (минг сўмда)</i>
Вилоят бўйича:	x	1987,3
<i>шаҳарлар:</i>		
Қарши	x	2534,0
Шаҳрисабз	x	1744,9
<i>туманлар:</i>		
Ғузор	x	2379,7
Деҳқонобод	x	1818,6
Қамаши	x	1535,6
Қарши	x	1446,2
Косон	x	1968,3
Китоб	x	1677,2
Миришкор	x	1748,3
Муборак	x	2612,4
Нишон	x	2011,2
Касби	x	1444,8
Чирокчи	x	1488,3
Шаҳрисабз	x	1800,8
Яккабоғ	x	1544,7

¹⁾дастлабки маълумот

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи (минг сўмда)



Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига мувофиқ, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди (2020 йил январь-сентябрь ойларида 679,3 минг сўмни ташкил этган. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 январдаги 47-сонли қарорига биноан меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасига ўзгартириш киритилди ва 1,2,3-разрядлари коэффициентлари) бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.